

## ОНАЛАР ХАКИДА МАФТУНКОР АСАР

**Тошпулатова Шахрибону Нодир кизи**

Кукон Давлат Педагогика Институти

Рус тили ва адабиёти факултети 2-боскич талабаси

**Аннотация.** Мазкур маколада узбек адабиётида уз урнига эга булган Узбекистон халк ёзувчиси Уткир Хошимов ижоди хакида фикрлар берилган. Хусусан унинг ижодида *Она образи яратши маҳорати тадқик этилади*. Бу мавзуни жаҳон ва миллий адабиётдаги ахамияти киесланади. Ёзувчининг кисса ва романларидағи *Она образи атрофлича урганилади*.

**Калим сузлар:** узбек миллий адабиёти, Уткир Хошимов, кисса, роман, *Она образи*.

Дунёда канча миллат булса, унинг шунча онаси бор. Хар бир миллатнинг фарзанди уз онасини яхши курмаслиги, уни кадрламаслиги ва хурмат килмаслиги мумкин эмас. Дунё халклари ичида оналарни севиш, кадрлаш ва улуглаш борасида узбеклар хамиша энг олдинги сафларда бораётгани, бошка миллатларга урнак булиб келайотганни калбимизни фахр ва ифтихорга тулдириб келмоқда. Онажонларимизни таърифлаб, улуглаб ва уларни мадх этиб йозилган асарларни, чоп этилган китобларни жамласак, улкан тог булиши табиийдир. Жумладан, Уткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асарини оладиган булсам, энг эзгу, энг самимий туйгулар хакида, энг эъзозли зот- Она тугрисида хикоя киласи.

“Бу кисса катта-кичик новеллалардан иборат. Бирок уларнинг барчасида мен учун энг азиз одам-Онам сиймоси бор,” - дея эътироф этади ёзувчи Уткир Хошимов.

Ким учундир таниш, ким учундир хали укилмаган киссадир, мен хам бу асарни 19 ёшимда укигандим. Асардаги “Алла” деб номланувчи боби нихоятда

тасирчанлиги билан кишини ром этади. Алла инсон боласи хаётда тинглайдиган илк кушиги хисобланади, у вужудимизга она сути билан сингган ва умрбод унитилмасдир. Онажонимларимиз керак булса, фарзанд учун жонини хам аргумон кила олади. Турли миллатлар тилини тушунмасак хам, боласини кучоклаб, кушик куйлайотган онани курсак, хеч шубхасиз алла айтайотганини хис киламиз ва беихтиёр уз онамизни куз унгимизга келтирамиз. Адаб айтганидек, она алласи тил ва чегара танламайди.

Асарни айнан бадиий жихатдан эмас, балки чукур ижтимоий-психологик жихатдан тахлил киладиган булсак, замоннинг атроф-мухитнинг ва хаёт тарзининг тасири инсонга канчалик кучли булмасин, жамиятнинг фазилатлари урганишсиз колишига гувоҳ булишимиз мумкин. Аёл барча кийинчиликларни йенгади. Ха бу хаёт хакикати. Бу хакикатни хеч ким рад этолмайди. Аёлнинг оиласидаги урни хакида канча гапирсак хам шунча оз деб уйлайман. Оила бир кема булса, уни бошкарувчиси эса аёл хисобланади. Одамзот онгли хаёт бошлагандан бўён, аёлларга кучли ихлос куйилиб, уни севиб, ардокланиб келинмокда.

Ёзувчи Уткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари оркали дунёда хеч кандай чегарани тан олмайдиган ва куёш каби мутассил нур сочиб турадиган, сехрли куч борлигини, бу куч эса, она меҳри эканлигини яна бир бор калдан хис этамиз-деб хисоблайман.

Ёзувчи Уткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари хакида Узбекистан халқ ёзувчиси Сайд Ахмад шундай деганди: “Дунёнинг ишлари” асарини кисса эмас, достон деб аташни истардим. У кушикдай укилади. Уни укиб туриб, уз оналаримизни уйлаб кетамиз. Шу мушфик, шу жафокаш оналаримиз олдида бир умр узиб булмас карзларимизнинг акалли биттасини уза олдикми? – деган бир андиша, бир савол қуз олдимизга қундаланг туриб олади. Кисса бизни инсофга, инсонни кадрлашга, хурмат килишга чакиради.

Биз качон китобни севиб укиймиз? Унда таниш кисматлар акс этган булса, қаҳрамонлар билан дардкаш, баҳтдош була олсаккина.

Дархакикат аёл- она, аёл-рафика, аёл-сингил. Бу мукаддас зотки, унинг билан олам мунааввар, унинг билан оила, Ватан, хонадон оводдир. Аёл-бу садокатли ёр, кунгилларга завқ-шавқ багишловчи, хаётни гузал килувчи, ибо-хаёни узида мужассам этган бир хилкатдир. Мумлакатимизда хотин-кизларнинг жамиятжаги мавкеини юксалтириш, хукук ва манфаатларини химоялашга алоҳида эътибор каратилмоқда. Уларнинг юртимиз сийосий-ижтимоий, иктисодий ва маданий хаётида фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш давлат сиёсатининг мухим юналишларидан этиб белгиланди. Аёл- бу турт харфдан иборат суз булиб, унинг замирида канчадан-канча маъно бор. Аёлларни канча мактасак хам барибир оз. Аёлларга teng келадиган зот йук. Аёл – мутабар ва муnis инсондир. Аёлнинг таъриф- у таснифи йукдек. Хозирги кунда аёллар юртимизда, жамиятда ва оиласда катта рол уйнайди. Халкимиз таъбири билан айтганда- “ Аёл бир кулида бешикни, бир кули билан дунёни тебратади” - деганлари рост экан. Аёл деганда бизнинг куз олдимизда онажонимларимиз, устозларимиз, опа-сингилларимиз намоён булади.

Оlam ва одам яралибдики, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, хаёт сир-у асрорлари ва сабокларини онанинг меҳр-у саховати туфайлигина урганади. Онани эъзозлаш- бизнинг мамлакатимиз, халкимиз учун олий кадрият даражасига кутарилган фазилатдир. Чунки аёлларни канча улугласак, хаётимизни чироги, умримизнинг гули дип эъзозласак, демакки , оиласизни, Ватанимизни эъзозлаган буламиз – деб хисоблайман.

Умуман олганла “ Дунёнинг ишлари” асаридаги замон ва атроф-мухитнинг мантикий маҳсули сифатида караш хатоликка йул куйишга сабаб булиши мумкин. Замоннинг муаллиф онасига булган муносабати, мухаббатининг турткиси булмаган булиб, киссанинг асосий ички маъноси сифатида нафакат муаллиф онасини хислат ва фазилатлари балки, атрофдаги инсонларнинг фазилатларини таърифлаш, уларнинг ички куникларни оркали узининг хатоларини курсатишга багишланганлиги хақикатнинг бир томонидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар;**

1. Уткир Хошимов “ Дунёнинг ишлари”- Тошкент: Шарқ, 2005